ЛОЙИҲА

*Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни*

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА

## I бўлим

## УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Ўзбекистон ССРда фуқаролик**

Ўзбекистон ССР фуқаролиги шахс билан Ўзбекистон давлатининг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади.

Ўзбекистон ССРда ҳар бир киши фуқаролик ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон давлати ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали Ўзбекистон ССР фуқаролари олдида масъулдир. Ўзбекистон ССР фуқаролари эса Ўзбекистон давлати олдида масъулдир.

Ўзбекистон давлати Ўзбекистон ССР ҳудудида ва унинг ташқарисида Ўзбекистон ССР фуқароларини ҳимоя қилади.

2-модда. **Тенг фуқаролик**

Ўзбекистон ССР фуқаролиги, фуқаролик қандай асослардан олинганидан қатъи назар, барча учун тенгдир.

Ўзбекистон ССР фуқаролари келиб чиқишларидан, ижтимоий ва мулкий аҳволидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машғулот тури ва тусидан, истиқомат жойидан, муайян жойда яшаш вақтидан ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон ССР фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушнинг барча соҳаларида таъминланади.

Башарти Ўзбекистон ССР Конституциясида ва Ўзбекистон ССР қонунларида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, бошқа иттифоқдош республикаларнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги фуқаролари унинг фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Ўзбекистон ССР фуқароси айни вақтда ССР Иттифоқи фуқаросидир.

Қорақалпоғистон АССР фуқароси айни вақтда Ўзбекистон ССР фуқароси ва СССР фуқаросидир.

3-модда. **Ўзбекистон ССРнинг фуқаролик тўғрисидаги қонунлари**

Ўзбекистон ССРнинг фуқаролик тўғрисидаги қонунлари Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида қабул этилган ушбу қонундан ва Ўзбекистон ССРнинг шу Қонунга мувофиқ чиқариладиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон АССРнинг фуқаролиги Қорақалпоғистон АССР фуқаролиги тўғрисидаги қонун билан белгиланади.

4-модда. **Ўзбекистон ССР фуқаролигига мансублик**

Қуйидагилар Ўзбекистон ССР фуқаролари ҳисобланади:

— ушбу Қонун кучга кирган кунда Ўзбекистон ССР фуқароси бўлиб турган шахслар;

— ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон ССР фуқаролигини олган шахслар.

5-модда. **Никоҳдан ўтишда ва уни бекор қилишда фуқароликнинг сақланиб қолиши**

Ўзбекистон ССР фуқароси бўлган эркак ёки аёлнинг бошқа иттифоқдош республика фуқароси билан, чет эл фуқароси билан ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр ёки хотиннинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

Эр-хотиндан бирининг фуқаролиги ўзгариши иккинчисининг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

6-модда. **Ўзбекистон ССР ҳудудидан ташқарида яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон ССР фуқаролиги сақланиб қолиши**

Ўзбекистон ССР фуқаросининг бошқа иттифоқдош республика ёки чет давлат ҳудудида яшаши Ўзбекистон ССР фуқаролиги тўхташига сабаб бўлмайди.

7-модда. **Ўзбекистон ССР ҳудудидан ташқарида яшовчи Ўзбекистон ССР фуқароларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши**

Ўзбекистон ССР ҳудудидан ташқарида яшовчи Ўзбекистон ССР фуқаролари Ўзбекистон давлатининг ва СССРнинг ҳимояси ва ҳомийлигидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон давлати (ўз давлат идоралари орқали), унинг ССР Иттифоқи пойтахтидаги ва бошқа иттифоқдош республикалардаги доимий ваколатхоналари, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон ССРнинг бошқа иттифоқдош республикада ёхуд чет давлатда яшаб турган фуқаролари шу иттифоқдош республика ёхуд чет давлат қонунлари, Ўзбекистон ССРнинг республикалараро шартномалари, СССР ёки Ўзбекистон ССР билан унинг ўз фуқароси яшаб турган давлат қатнашадиган шартномалар ҳамда халқаро урф-одатлар томонидан уларга бериб қўйилган ҳамма ҳуқуқлардан тўла ҳажмда фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари учун чора-тадбирлар кўришга, уларнинг манфаатларини ва қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқларини қонунларда белгиланган тартибда ҳимоя қилишга, зарурат туғилган тақдирда эса Ўзбекистон ССР фуқароларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўришга мажбурдирлар.

8-модда. **Ўзбекистон ССР фуқаросини чет давлатга ёки бошқа иттифоқдош республикага топширишга йўл қўйилмаслиги**

Башарти Ўзбекистон ССРнинг республикалараро ёки халқаро шартномаларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон ССР фуқаросини чет давлатга ёки бошқа иттифоқдош республикага топшириш мумкин эмас.

9-модда. **Ўзбекистон ССР фуқаросининг бошқа иттифоқдош республика ёки чет давлат фуқаролигига мансублигини тан олмаслик**

Ўзбекистон ССР фуқароси бўлган шахснинг бошқа иттифоқдош республика ёки чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди.

10-модда. **Фуқаролиги бўлмаган шахслар**

Ўзбекистон ССР ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон ССР ёки бошқа иттифоқдош республика фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланади.

## II бўлим

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШ

11-модда. **Ўзбекистон ССР фуқаролигини олиш асослари**

Ўзбекистон ССР фуқаролиги қуйидаги ҳолларда олинади:

1) туғилганда;

2) Ўзбекистон ССР фуқаролигига қабул қилиниши натижасида;

3) Ўзбекистон ССРнинг республикалараро шартномаларида назарда тутилган асосларга биноан;

4) СССР ва Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномаларида назарда тутилган асосларга биноан;

5) ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича.

12-модда. **Ота-онаси Ўзбекистон ССР фуқароси бўлган фарзандларнинг фуқаролиги.**

Туғилган пайтида ота-онаси Ўзбекистон ССР фуқароси бўлган бола Ўзбекистон ССР ҳудудида ёхуд ундан ташқарида туғилган бўлишидан қатъи назар Ўзбекистон ССР фуқароси ҳисобланади.

13-модда. **Онаси ёки отаси Ўзбекистон ССР фуқароси бўлган фарзандларнинг фуқаролиги**

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон ССР фуқаролигида бўлган қуйидаги ҳолларда фарзанд Ўзбекистон ССР фуқароси ҳисобланади:

1) агар у Ўзбекистон ССР ҳудудида туғилган бўлса;

2) агар у Ўзбекистон ССР ҳудудидан ташқарида туғилган бўлсаю, ота-онаси ёки уларнинг бири шу вақтда Ўзбекистон ССРда доимий истиқомат жойига эга бўлса;

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон ССР фуқаролигида турган бўлса, агар шу вақтда ота-онаси Ўзбекистон ССР чегарасидан ташқарида доимий истиқомат жойига эга бўлса, Ўзбекистон ССР чегарасидан ташқарида туғилган боланинг фуқаролиги ота-онанинг ёзма тарзда ифодаланган келишуви билан белгиланади.

Ота-онасидан бир бола туғилган пайтда Ўзбекистон ССР фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган ёхуд номаълум бўлган тақдирда, бола туғилган жойидан қатъи назар, Ўзбекистон ССР фуқароси ҳисобланади.

Онасининг фуқаролиги бўлмаган боланинг отаси аниқланиб, у Ўзбекистон ССР фуқароси деб тан олинган тақдирда, ўн тўрт ёшга етмаган бола, туғилган жойидан қатъи назар, Ўзбекистон ССР фуқароси ҳисобланади.

14-модда. **Фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандларининг Ўзбекистон ССР фуқаролигини олиши**

Фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон ССРда доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон ССР ҳудудида туғилган фарзанди Ўзбекистон ССР фуқароси ҳисобланади.

15-модда. **Ота-онаси номаълум бўлган болаларнинг фуқаролиги**

Ота-онаси номаълум бўлган ва Ўзбекистон ССР ҳудудида яшаётган бола Ўзбекистон ССР фуқароси ҳисобланади.

16-модда. **Ўзбекистон ССР фуқаролигига қабул қилиш**

Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра, келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, истиқомат жойидан қатъи назар, ушбу Қонунга биноан Ўзбекистон ССР фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон ССР фуқаролигига қабул этишни илтимос қилган шахс Ўзбекистон ССР Конституцияси билан мустаҳкамланган давлат ва ижтимоий тузумни зўрлик билан ағдаришга ёки ўзгартиришга, Ўзбекистон ССР ҳудуди бирлигини зўрлик билан бузишга чақирган, давлат хавфсизлигига, жамоат тартибини сақлашга, аҳолининг сиҳат-саломатлиги ва ахлоқига зарар етказувчи фаолиятни амалга оширган, адоватни, ирқий ва миллий мумтозликни тарғиб қилган бўлса, террорчилик фаолияти билан боғлиқ бўлса, унинг илтимоси рад қилинади.

17-модда. **Ўзбекистон ССР фуқаролигини тиклаш**

Илгари Ўзбекистон ССР фуқаролигида бўлган шахс унинг ўз илтимосига биноан Ўзбекистон ССР фуқаролигига тикланиши мумкин.

## III бўлим

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ФУҚАРОЛИГИНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ

18-модда. **Ўзбекистон ССР фуқаролигининг тўхтатилиши учун асослар**

Ўзбекистон ССР фуқаролиги қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

1) Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқиш оқибатида;

2) Ўзбекистон ССР фуқаролигини йўқотиш оқибатида;

3) Ўзбекистон ССР фуқаролигидан маҳрум этилиши оқибатида;

4) Ўзбекистон ССРнинг республикалараро шартномаларида, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномаларида назарда тутилган асосларга биноан;

5) ушбу Қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга биноан.

ССР Иттифоқи фуқаролигининг тўхтатилиши Ўзбекистон ССР фуқаролигининг тўхтатилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон ССР фуқаролигининг тўхтатилиши Қорақалпоғистон АССР фуқаролигининг тўхтатилишига сабаб бўлади.

19-модда. **Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқиш**

Ушбу Қонунда белгиланган тартибда шахснинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқишга рухсат этилади.

Агар Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс давлат олдидаги мажбуриятларини бажармаган бўлса ёки фуқароларнинг ёхуд давлат, кооператив ёки жамоат ташкилотларининг муҳим манфаатлари билан боғлиқ мулкий мажбурияти бўлса, унинг Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқиши рад этилиши мумкин.

Агар Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса ёки шахснинг Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқиши СССР ёки Ўзбекистон ССР давлат хавфсизлиги манфаатларига зид бўлса, унинг Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқишига йўл қўйилмайди.

20-модда. **Ўзбекистон ССР фуқаролигини йўқотиш**

Қуйидаги ҳолатларда Ўзбекистон ССР фуқаролиги йўқотилади:

1) шахс чет давлатдаги ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизматига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобида турмаган бўлса;

3) агар Ўзбекистон ССР фуқаролиги атайин ёлғон маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса;

Ўзбекистон ССР фуқаролигининг йўқотилиши ушбу Қонуннинг 32- ва 33-моддаларида кўрсатилган ваколатли давлат идоралари ушбу ҳолатни қайд этган пайтдан бошланади.

21-модда. **Ўзбекистон ССР фуқаролигидан маҳрум этиш**

Чет элда яшаб туриб Ўзбекистон ССРнинг давлат манфаатларига ёки давлат хавфсизлигига жиддий зарар етказувчи хатти-ҳаракатлар қилган шахсгина фавқулодда ҳолатда Ўзбекистон ССР фуқаролигидан маҳрум этилиши мумкин.

Шахснинг Ўзбекистон ССР фуқаролигидан маҳрум этилиши унинг эри ёки хотини ва фарзандларининг фуқаролигини ўзгартирмайди.

## IV бўлим

## ОТА-ОНАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИГИ ЎЗГАРГАНДА ВА ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНГАНДА БОЛАЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИГИ

22-модда. **Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда болалар фуқаролигининг ўзгариши**

Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганлиги натижасида уларнинг ҳар иккаласи Ўзбекистон ССР фуқаролигига ўтганида ёки ҳар иккаласи Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиққанида шунга биноан уларнинг 14 ёшга етмаган болаларининг фуқаролиги ҳам ўзгаради.

Агар боланинг отаси ёки онаси маълум бўлиб, унинг фуқаролиги ўзгарганда, шунга биноан 14 ёшга тўлмаган боланинг фуқаролиги ҳам ўзгаради.

23-модда. **Васийликка олинган боланинг Ўзбекистон ССР фуқаролигини сақлаб қолиши**

Ўзбекистон ССР ҳудудида яшовчи боланинг ота-онаси ёки ёлғиз қолган отаси ёки онаси Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқса ва айни вақтда Ўзбекистон ССР фуқароларининг васийлиги белгиланган болани тарбиялашда иштирок этмаса, ота-она ёки васийнинг илтимосига кўра бола Ўзбекистон ССР фуқаролигини сақлаб қолади.

24-модда. **Ота-онасидан бири Ўзбекистон ССР фуқаролигини олган тақдирда боларнинг Ўзбекистон ССР фуқаролигини олиши**

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон ССР фуқаросига айланса, бошқаси эса бошқа иттифоқдош республиканинг фуқароси ёки чет эл фуқароси бўлиб қолса, Ўзбекистон ССР фуқаролигини олаётган отанинг ёки онанинг илтимосномасига кўра бола Ўзбекистон ССР фуқаролигини олиши мумкин.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон ССР фуқаросига айланса, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қолса, Ўзбекистон ССР ҳудудида яшовчи бола Ўзбекистон ССР фуқароси бўлиб қолади.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон ССР фуқаросига айланса, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қолса, Ўзбекистон ССРдан ташқарида яшовчи бола Ўзбекистон ССР фуқаролигини олаётган отанинг ёки онанинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон ССР фуқаролигини олиши мумкин.

25-модда. **Ота-онасидан бири Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиққан тақдирда боланинг Ўзбекистон ССР фуқаролигини сақлаб қолиши**

Агар отаси ёки онаси Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқса, бошқаси эса Ўзбекистон ССР фуқаролигида қолса, бола Ўзбекистон ССР фуқаролигини сақлаб қолади. Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқадиган отанинг ёки онанинг илтимосномасига кўра бундай болага Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқишга рухсат этилиши мумкин.

26-модда. **Бола фарзандликка олинган тақдирда Ўзбекистон ССР фуқаролигини олиши**

Ўзбекистон ССР фуқаролари томонидан фарзандликка олинган бола бошқа иттифоқдош республиканинг фуқароси бўлса ёки чет эл фуқароси бўлса ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса, у Ўзбекистон ССР фуқаросига айланади.

Бири Ўзбекистон ССР фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган эр-хотин фарзандликка оладиган ва чет эл фуқароси бўлган бола Ўзбекистон ССР фуқаросига айланади.

Бири Ўзбекистон ССР фуқароси бўлган эр-хотин фарзандликка оладиган фуқаролиги бўлмаган бола Ўзбекистон ССР фуқаросига айланади.

Бири Ўзбекистон ССР фуқароси бўлган, бошқаси чет эл фуқароси бўлган эр-хотин фарзандликка оладиган чет эл фуқароси бўлган бола уни фарзандликка олувчиларнинг келишувига кўра Ўзбекистон ССР фуқаросига айланади.

27-модда. **Фарзандликка олинган тақдирда боланинг Ўзбекистон ССР фуқаролигини сақлаб қолиши**

Ўзбекистон ССР фуқароси бўлган болани бошқа иттифоқдош республиканинг фуқаролари ёки чет эл фуқаролари фарзандликка олса ёки бири Ўзбекистон ССР фуқароси, иккинчиси бошқа иттифоқдош республика ёки чет эл фуқароси бўлган эр-хотин фарзандликка олса, бу ҳолда бола Ўзбекистон ССР фуқаролигини сақлаб қолади. Фарзандликка олувчиларнинг илтимосномасига кўра бундай болага Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқишга рухсат берилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР фуқароси бўлган болани фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандликка олса ёки бири Ўзбекистон ССР фуқароси бўлган, иккинчиси фуқаролиги бўлмаган эр-хотин фарзандликка олса, бу ҳолда бола Ўзбекистон ССР фуқаролигини сақлаб қолади.

28-модда. **Болаларнинг фуқаролигини ўзгартириш чоғида улар розилик беришининг зарурлиги**

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда, шунингдек улар фарзандликка олинган тақдирда уларнинг фуқаролиги ушбу Қонуннинг 36-моддасида кўзда тутилган тартибда фақат болаларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

## V бўлим

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР

29-модда. **Ўзбекистон ССР фуқаролиги масалаларига оид қарорлар қабул қилувчи органлари**

Ўзбекистон ССР Президенти, шунингдек Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССРда фуқаролик масалаларига оид қарорлар қабул қилувчи органлардир.

30-модда. **Ўзбекистон ССР Президентининг ваколатлари**

Ўзбекистон ССР Президенти:

— тегишли илтимосномалар билан Ўзбекистон ССР Президентига мурожаат қилган Ўзбекистон ССР ҳудудидан ташқарида яшовчи бошқа иттифоқдош республикаларнинг фуқароларини, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон ССР фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида:

— бошқа иттифоқдош республикалар фуқароларини, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон ССР фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида ва агар Ўзбекистон ССР фуқароларининг фуқаролигига нисбатан илгари Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ қарорлар қабул қилинган бўлса, уларнинг Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқиши тўғрисида;

— Ўзбекистон ССР фуқаролигини тиклаш тўғрисида;

— тегишли илтимосномалар билан Ўзбекистон ССР Президентига мурожаат қилган Ўзбекистон ССР ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон ССР фуқароларининг Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқиши тўғрисида;

— ушбу қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон ССР фуқаролигини сақлаб қолиш тўғрисида;

— Ўзбекистон ССР фуқаролигидан маҳрум этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

31-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг ваколатлари**

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР билан Қорақалпоғистон АССР ўртасида тузилган битим асосида Қорақалпоғистон АССР фуқаролиги масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

32-модда. **Ички ишлар органларининг ваколатлари**

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон АССР Ички ишлар вазирлиги, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг ички ишлар бошқармалари, бўлимлари:

— Ўзбекистон ССРда доимий яшовчи шахслардан Ўзбекистон ССР фуқаролиги масалаларига оид аризаларни қабул қилади ва уларни зарур ҳужжатлар билан биргаликда Ўзбекистон ССР Президентига, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига кўриб чиқиш учун юборади;

— Ўзбекистон ССРда доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон ССР фуқаролигига мансублигини белгилайди;

— Ўзбекистон ССР ҳудудида доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон ССР фуқаролигини йўқотганлигини қайд этади.

33-модда. **Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон ССР дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг ваколатлари**

Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон ССР дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари:

— чет давлатларда доимий яшаб турган шахслардан Ўзбекистон ССР фуқаролиги масалаларига оид аризаларни қабул қилади ва уларни кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон ССР Президентига, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига юборади;

— чет давлатларда доимий яшаб турган шахсларнинг Ўзбекистон ССР фуқаролигига мансублигини белгилайди;

— чет давлатларда доимий яшаб турган шахсларнинг Ўзбекистон ССР фуқаролигидан маҳрум бўлганлигини қайд этади;

— Ўзбекистон ССРнинг чет давлатларда доимий яшовчи фуқароларини ҳисобга олади.

Башарти, чет давлатда Ўзбекистон ССРнинг дипломатия ваколатхонаси ва консуллик муассасаси бўлмаса, шу давлатда доимий яшаб турган шахсдан Ўзбекистон ССРнинг фуқаролиги масалаларига оид аризалар СССРнинг тегишли дипломатия ваколатхонасига ёки консуллик муассасасига берилиши мумкин.

34-модда. **Ўзбекистон ССРнинг Иттифоқ пойтахтидаги ва бошқа иттифоқдош республикалардаги доимий ваколатхонасининг ваколатлари.**

Ўзбекистон ССРнинг ССР Иттифоқи ва пойтахтидаги ва бошқа иттифоқдош республикалардаги доимий ваколатхонаси:

— бошқа иттифоқдош республикаларда доимий яшовчи шахслардан Ўзбекистон ССР фуқаролиги масалаларига оид аризалар қабул қилади ва уларни кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон ССР Президентига, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига юборади.

— бошқа иттифоқдош республикаларда доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон ССР фуқаролигига мансублигини аниқлайди;

— Бошқа иттифоқдош республикаларда доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон ССР фуқаролигидан маҳрум бўлганлигини қайд этади;

— Ўзбекистон ССРнинг бошқа иттифоқдош республикаларда доимий яшовчи фуқароларини ҳисобга олади.

## VI бўлим

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД АРИЗАЛАР ВА ТАҚДИМНОМАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

35-модда. **Фуқаролик масалаларига оид аризаларни топшириш тартиби**

Фуқаролик масалаларига оид аризалар Ўзбекистон ССР Президенти, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми номига ариза берувчиларнинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари орқали, чет элда доимий яшовчи шахсларнинг аризалари эса тегишли совет дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари орқали топширилади.

Бошқа иттифоқдош республикаларда яшовчи шахсларнинг фуқаролик масалаларига оид аризалари Ўзбекистон ССР Президенти номига ёзилади ва почта орқали бевосита ёки Ўзбекистон ССРнинг ССР Иттифоқи пойтахтидаги ёхуд тегишли иттифоқдош республикадаги доимий ваколатхоналари орқали Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигига юборилади.

Қўш фуқароликнинг олдини олиш тўғрисида СССР ёки Ўзбекистон ССР билан шартнома тузган чет давлат фуқаролигидан шахс ўз фуқаролигини ўзгартириш ниятига мазкур давлатнинг муносабати тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжатни тақдим этиши шарт.

36-модда. **Фуқаролик масалаларига оид аризалар шакли**

Ўзбекистон ССР фуқаролигини қабул қилиш, Ўзбекистон ССР фуқаролигига тиклаш ёки ундан чиқариш тўғрисидаги илтимосномалар аризачининг ёзма илтимосига биноан кўриб чиқилади, 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан илтимосномалар уларнинг нотариал идоралар томонидан, чет элда эса тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган қонуний вакилларининг илтимосига биноан кўриб чиқилади.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг Ўзбекистон ССР фуқаролигига қабул қилиш, Ўзбекистон ССР фуқаролигига тиклаш ва ундан чиқиш тўғрисидаги аризаларини топшириш чоғида уларнинг розилиги бўлиши шарт. Бундай розилик ёзма баён этилиши ва нотариал идоралар томонидан, чет элда эса тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасалари томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Вояга етмаган боланинг Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқиши тўғрисидаги илтимосномa топширилганда, башарти унинг отаси ёки онаси Ўзбекистон фуқаролигида қоладиган бўлса, унинг ўз боласининг Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқишига муносабати билдирилган аризаси ҳам тақдим этилиши керак. Бундай ариза нотариус томонидан, чет элда эса тегишли дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Башарти ариза берувчи саводсизлиги ёки жисмоний камчиликлари сабабли аризани имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан бошқа киши имзолайди, бу ҳақда Ўзбекистон ССРнинг ички ишлар идораси, бошқа иттифоқдош республикаларда эса Ўзбекистон ССРнинг доимий ваколатхонаси ёки тегишли давлат нотариуси чет элда тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан аризага ёзиб қўйилади.

37-модда. **Ўзбекистон ССР фуқаролигига мансубликни белгилаш**

Шахснинг Ўзбекистон ССР фуқаролигига мансублиги тўғрисидаги аризаси, унинг доимий истиқомат жойида Ўзбекистон ССР ички ишлар органига, хорижий давлатда доимий яшайдиган шахс томонидан эса тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига берилади.

Ўзбекистон ССР фуқаролигига мансубликни белгилашда шахснинг Ўзбекистон ССР фуқаролиги билан боғлиқ вазият бошланган пайтда амал қилиб турган ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатлари ҳамда СССР ва Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномалари қоидалари қўлланилади.

38-модда. **Ўзбекистон ССР фуқаролигидан маҳрум қилиш тўғрисидаги тақдимнома**

Ўзбекистон ССР фуқаролигидан маҳрум этиш тўғрисидаги тақдимнома Ўзбекистон ССР Президенти номига ушбу Қонуннинг 40-моддасида кўрсатилган Ўзбекистон ССР идоралари томонидан, Ўзбекистон ССРнинг бошқа иттифоқдош республикаларда яшаб турган фуқароларига нисбатан Ўзбекистон ССРнинг ССР Иттифоқи пойтахтидаги ва бошқа иттифоқдош республикалардаги ваколатхоналари томонидан ҳам Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши орқали, Ўзбекистон ССРнинг чет элда доимий яшовчи фуқароларига нисбатан эса, тегишли дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан ҳам Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлиги орқали берилади.

39-модда. **Фуқаролик масалаларига оид аризаларни расмийлаштириш тартиби**

Ўзбекистон ССР фуқаролиги масалаларига оид аризалар, ариза берувчи шахсан мурожаат этган тақдирда унинг доимий истиқомат жойидаги Ўзбекистон ССР ички ишлар идоралари, хорижий давлатда яшовчи шахсларга нисбатан эса тегишли дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилади.

Узрли сабаблар бўлган тақдирда ички ишлар идоралари, тегишли дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари фуқаролик тўғрисидаги ҳужжатларни бошқа шахсларда ёки почта орқали юборилган аризаларга мувофиқ расмийлаштиришга мажбурдирлар.

40-модда **Фуқаролик масалаларига оид аризалар юзасидан хулосалар**

Фуқаролик масалаларига оид аризани расмийлаштираётган ички ишлар идораси ёки тегишли дипломатия ваколатхонаси ёхуд консуллик муассасаси мазкур ариза юзасидан асосланган хулосасини чиқаради.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси фуқаролик масалаларига оид ариза ёки тақдимномалар юзасидан ўз хулосаларини ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни Ўзбекистон ССР Президенти номига юборадилар.

Қорақалпоғистон АССР Ички ишлар вазирлиги ва Қорақалпоғистон АССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси Қорақалпоғистон АССР фуқаролиги масалаларига оид ўз хулосаларини ва бошқа зарур ҳужжатларни Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига юборадилар.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон ССР Президентига ариза берган ҳар бир кишини Ўзбекистон ССР фуқаролигига қабул этиш ёки тиклаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида, шу жумладан унга Ўзбекистон ССРда иш, турар-жой ва бошқа қулайликлар бериш имконияти ҳақида асосланган хулосалар тақдим этадилар.

Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига ариза берган ҳар бир кишини Қорақалпоғистон АССР фуқаролигига қабул этиш ёки уни тиклаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида, шу жумладан унга Қорақалпоғистон АССРда иш, турар-жой ва бошқа қулайликлар бериш имконияти ҳақида асосланган хулосалар тақдим этадилар.

(Давоми учинчи бетда).

ЛОЙИҲА

*Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни*

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризаларга оид хулосаларда ариза берувчининг давлат олдида бажарилмай қолган мажбуриятлари ёки унинг фуқаролар ёхуд давлат, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари муҳим манфаатлари билан боғлиқ бўлган мулкий мажбуриятлари хусусидаги, уни айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги ёхуд унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган, ижро этилиши лозим бўлган ҳукми мавжудлиги ҳақидаги ё бўлмаса мазкур шахснинг Ўзбекистон ССР фуқаролигидан чиқиши Ўзбекистон ССРнинг давлат хавфсизлиги манфаатларига зидлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам хабар қилинади.

41-модда. **Аризалар ва тақдимномаларнинг Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясида дастлабки тарзда кўриб чиқилиши**

Ушбу қонуннинг 30-моддасида кўрсатилган фуқаролик масалаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон ССР Президенти Фуқаролик масалалари комиссиясини тузади.

Фуқаролик масалаларига оид ариза ва тақдимномаларни кўриб чиқиш пайтида комиссия ариза берувчининг далилларини, тақдимноманинг мазмунини, давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг хулосасини ва бошқа ҳужжатларни ҳамда тегишли тарзда расмийлаштирилган гувоҳлик кўрсатмаларини атрофлича таҳлил этади.

Башарти мазкур шахс Қорақалпоғистон АССРга кўчиб бормоқчи бўлса, комиссия Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгашининг уни Ўзбекистон ССР фуқаролигига қабул этиш ёки унинг фуқаролигини тиклаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги, шу жумладан республикада унга иш, турар-жой ва бошқа қулайликлар бериш имконияти бор-йўқлиги ҳақидаги фикрини эътиборга олади.

Комиссия тегишли давлат идоралари ва жамоат ташкилотларидан ўз ихтиёридаги иш юзасидан материаллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақлидир, улар эса комиссия белгилаган муддатда зарур маълумотни тақдим этадилар.

Комиссия ҳар бир ариза ёки тақдимнома юзасидан Ўзбекистон ССР Президентига таклифлар киритади.

Комиссиянинг қарори протокол билан расмийлаштирилади, уни комиссиянинг мажлисда қатнашган барча аъзолари имзолайдилар.

42-модда. **Ўзбекистон ССР Президенти томонидан фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг қабул этилиши**

Фуқаролик масалалари юзасидан Ўзбекистон ССР Президенти Фармонлар чиқаради.

Агар Фармонда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, фуқароликдаги ўзгаришлар Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони чиқарилган кундан бошланади.

Фуқаролик масаласига оид такрорий ариза, қоида тариқасида, шу масалага оид аввалги қарордан кейин бир йил ўтгач кўриб чиқилади. Иш учун муҳим бўлган ҳамда ариза берувчига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган вазиятлар вужудга келган тақдирда такрорий ариза илгарироқ ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР фуқаролигига қабул қилиш рад этилган ёхуд Ўзбекистон ССР фуқаролигидан маҳрум қилинган шахсга, унинг талабига мувофиқ, тегишли қарорнинг сабаблари маълум қилинади.

43-модда. **Фуқаролик масалаларига оид аризаларни кўриб чиқиш муддати**

Фуқаролик масалаларига оид ариза ёки тақдимномаларни кўриб чиқиш муддати олти ойдан ошмаслиги керак.

## VII бўлим

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚАРОРЛАРНИНГ ИЖРОСИ

44-модда. **Фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этувчи идоралар**

Ўзбекистон ССРда доимий яшовчи шахсларга нисбатан фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижроси Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон АССР Ички ишлар вазирлиги, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг ички ишлар бошқармалари, бўлимлари зиммасига, бошқа иттифоқдош республикаларда яшовчи шахсларга нисбатан Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги ёки Ўзбекистон ССРнинг ССР Иттифоқи пойтахтидаги ёки тегишли иттифоқдош республикадаги доимий ваколатхонаси зиммасига, чет давлатда яшовчи шахсларга нисбатан эса, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига, тегишли дипломатия ваколатхоналари ва консуллик ваколатхоналари зиммасига юклатилади.

45-модда. **Паспортлар ва истиқомат учун гувоҳномалар бериш**

Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон ССР фуқаролигини олган шахсларга ички ишлар идоралари томонидан ёки дипломатия ваколатхоналари ёхуд консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистон ССР фуқароси паспорти топширилади; 16 ёшга етмаган болаларнинг ҳужжатларига уларнинг Ўзбекистон ССР фуқаролигига мансублиги ёзиб қўйилади.

Ўзбекистон ССР фуқаролиги тўхтатилган бўлса-да, Ўзбекистон ССРда яшаб турган шахсларга ички ишлар идоралари истиқомат учун гувоҳнома беради.

46-модда. **Ўзбекистон ССР фуқаросининг қасами**

Ўзбекистон ССР фуқаролигига ўтаётган шахс Ўзбекистон ССР фуқароси паспортини олаётганида Ўзбекистон ССР Конституцияси олдида туриб қуйидагича қасамёд қилади:

«Мен (фамилияси, исми) Ўзбекистон ССР фуқаролигини олар эканман, Ўзбекистон ССР Конституцияси ва қонунларига сўзсиз риоя қилишга, мустақил Ўзбекистон давлатининг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатларга йўл қўймасликка, ўзбек халқининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишга тантанали равишда қасамёд қиламан».

47-модда. **Фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижросини назорат қилиш**

Ўзбекистон ССР фуқаролиги масалаларига оид қарорлар Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси томонидан ижро этилади.

## VIII бўлим

## ФУҚАРОЛИК МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚАРОРЛАР ЮЗАСИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ

48-модда. **Фуқаролик масалаларига оид қарорлар юзасидан шикоят қилиш**

Фуқаролик масалалари юзасидан Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми томонидан қабул қилинган қарорлар хусусида Ўзбекистон ССР Президентига шикоят қилиш мумкин.

Фуқароликка мансублик тўғрисидаги ва фуқароликдан маҳрум бўлганлик ҳақидаги масалаларга оид қарорлар юзасидан шикоятлар Ўзбекистон ССР Президенти номига топширилади.

49-модда. **Мансабдор шахсларнинг фуқаролик масалаларига оид ноҳақ хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш**

Фуқаролик масалаларига оид аризаларни қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортилганлиги, аризани кўриб чиқиш муддатлари бузилганлиги, шунингдек мансабдор шахсларнинг фуқаролик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартибини ва фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этиш тартибини бузадиган бошқа ноҳақ хатти-ҳаракатлар қилганлиги хусусида улар бўйсунадиган юқори мансабдор шахсга ёки судга қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

## IX бўлим

## РЕСПУБЛИКАЛАРАРО ВА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

50-модда. **Республикалараро ва халқаро шартномаларнинг қўлланилиши**

Башарти Ўзбекистон ССРнинг республикалараро шартномасида, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномасида ушбу Қонунда баён этилганидан кўра бошқача қоидалар белгиланган бўлса, республикалараро ва халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш муддати — матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб 1 ой.**

**Мулоҳаза ва таклифларни қуйидаги манзилгоҳга юборишни сўраймиз: 700008. Тошкент шаҳри. Ҳукумат уйи. Ўзбекистон ССР Олий Советининг қонунчилик қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитаси.**

# АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАМИЗ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

зида. Қизилтепада 580 дан зиёд Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ногиронлари ва ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари истиқомат қилади. 200 га яқин байналмилалчи жангчи бор. Ана шуларга ёрдам тариқасида 15 минг кишига нафақа таъминланди. Уруш ветеранлари ва байналмилалчи жангчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларга кўрсатиладиган хизмат турларини кўпайтириш бўйича бирмунча ишлар қилиняпти.

Аҳолини уй-жой ва томорқа билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Илгари ҳар бир хонадон ҳисобига 0,11 гектар ер тўғри келганди. Ҳозир томорқа участкаларини кенгайтириш учун қўшимча 968 гектар ер ажратилган. Шундай қилиб, шахсий томорқаларнинг ўртача ҳажми 0,19 гектарга етказилди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Фармон бўйича ҳам амалий ишлар бошлаб юборилди. Ҳозиргача район бўйича 35 километр ерга газ қувурлари ётқизилди. Ичимлик сувни етарли миқдорда етказиб бериш бўйича бирмунча қийинчиликлар мавжуд.

Шундан сўнг залда йиғилганлардан бир неча киши сўзга чиқиб, жумҳурият Президенти Фармонлари тезроқ рўёбга чиқишига тўғаноқ бўлаётган муаммолар ҳақида гапирдилар. Уларни бартараф этиш бўйича қимматли фикрлар, таклиф-истаклар билдиришди.

— Газетанинг меҳнаткашлар билан мустаҳкам алоқасини йўлга қўйишнинг йўлларидан бири жойларда турли мавзуларда очиқ хатлар кунини ўтказиб туриладир, — деди район газетаси редактори У. Сатторов.

Дарҳақиқат, Президент Фармонлари туфайли меҳнаткашлар кўп нарсаларга эга бўляптилар. Масалан, аҳолининг асосий қисми томорқа ерлари билан таъминланади. Газ, сув ўтказилмоқда. Уруш ветеранлари ва байналмилалчи жангчилар қўшимча имтиёзларга эга бўлишаётир. Аммо бу борада ҳали кўп муаммоларни ечишга ҳам тўғри келяпти.

«Совет Ўзбекистони» газетасида эълон қилинган материаллардан маълум бўлишича, одамларнинг ихтиёрида бўлган томорқа ерларининг ҳар гектари ҳисобига 12 минг сўм даромад олиняпти. Лекин районимизда томорқа ерига эга бўлган ҳамма хўжаликлар ҳам ундан самарали фойдаланишяпти, деб бўлмайди. Натижада тупроғи зар еримизнинг умри бекор ўтмоқда.

Бундан ташқари одамларнинг иморат қуришлари учун қурилиш материаллари етишмайди. Айрим савдо ходимларида суиистеъмолликлар мавжуд. Менимча, севимли рўзномамиз ана шу муаммоларни ўз диққат марказида тутмоғи даркор.

Шифокорларнинг маълумотларига қараганда, областимизда сув муаммосининг ҳал этилмаганлиги кўплаб касалликларнинг тарқалишига сабаб бўляпти. Шунга қарамай, Бухорога сув келтирадиган катта қувур қурилиши чўзилиб кетяпти.

РСФСР корхоналари билан ҳамкорликда бунёд этилаётган фабрикаларда шароит яхши эмас. Ишлаб чиқаришга асосан эски машиналар келтириляпти. Бу меҳнат унумдорлиги ва аҳоли даромадларининг ўсишига салбий таъсир кўрсатяпти.

— Район мактабларида ўқув-тарбия ишларининг яхшиланиши учун жумҳурият Президентининг Фармони муҳим дастур бўлди, — дейди район халқ таълими бўлими бошлиғи М. Фармонов.— Ўқувчиларга бепул овқат бериш йўлга қўйилди. Лекин ҳали ечилиши лозим бўлган муаммоларимиз анчагина. Ҳозир район ўқувчиларининг 88 фоизи бир сменада ўқияпти. Бу даражани юз фоизга етказиш учун мактабларда қўшимча қурилишлар қилишга тўғри келяпти. Аммо уларга жиҳозлар олиш борасида жуда қийналяпмиз. Чунки янги мактабларга жиҳозлар берилади-ю, ишлаб турган мактабларда қўшимча бинолар қурилса, уларга фонд ажратилмайди.

Яна бир муаммо — боғчаларда кичкинтойлар учун каравотлар ва бошқа жиҳозларнинг етишмаслигидир. Ана шу масалалар ҳал этилса, келажагимиз бўлган ёш авлоднинг соғлом ва иқтидорли бўлиб ўсишига имкон яратган бўламиз.

— Районда газлаштириш бўйича аниқ режалар белгиланиб, амалий ишлар қилинмоқда, — дея сўз бошлади газлаштириш идораси бошлиғи Н. Холов. — Удмуртиялик қардошларимиз билан шартнома тузганмиз. Шунга кўра районимиз меҳнаткашлари Удмуртияда бунёдкорлик ишларини бажариб яхшигина даромад қилишяпти. Қардошларимиз эса бизга газ қувурлари келтириб, хонадонларимизда «зангори олов» ёқишаётир. Аммо булар барча аҳолини табиий газ билан таъминлаш учун етарли эмас. Кўпинча зарур материаллар, техника учун эҳтиёт қисмлар етишмаётир. Газетанинг бу масалада ёрдам бериши ишларимизнинг юришиб кетишига омил бағишларди, деб ҳисоблайман.

—Инсон маънавий жиҳатдан баркамол бўлса, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ечишга шунча йўл очилади, — деди район Совети президиуми раиси ўринбосари Р. Маҳмудов.—Мен коммунист обрўси ҳақида, бу номга доғ тушираётган, арзимас муаммолар олдида ўз йўлини тополмай имон-эътиқодидан маҳрум бўлаётган ва партия билетларини топшираётганлар ҳақида принципиал мақолалар чоп этилишини истардим.

Одамларни иш билан таъминлаш ўткир муаммолардан бўлиб қолган. Бунинг учун ўзимизда етиштирилаётган хом ашёнинг асосий қисми жойларда қайта ишланишини йўлга қўйиш лозим. Ана шунда ишчи кучи муаммоси билан бир қаторда жумҳуриятимизнинг иқтисодий бақувват бўлишини таъминлаш муаммоси ҳам ҳал этилиши мумкин.

— Жумҳуриятимиз кишилари болажон, дейди «Ғардиён» қишлоқ совети раиси М. Холова.—Минглаб кўп болали қаҳрамон оналаримиз бор. Улар ишлаб чиқаришда, далаларда фидокорона тер тўкиш билан бир қаторда бола тарбиясидек муҳим ва масъулиятли ишни бажариб келишяпти.

Мени бир нарса кўпдан бери ўйлантириб келаётир. Масалан, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари учун анчагина имтиёзлар бериб қўйилган. Аммо қаҳрамон оналарга деярли имтиёзлар йўқ.

Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматини ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги жумҳурият Президентининг Фармони ёшларимиз ҳақидаги ғамхўрликнинг ёрқин далили бўлди. Ана шу Фармон туфайли барчамизни ташвишга солаётган муаммолар ечилишига ишонаман.

Чунки кейинги пайтларда ўзбек йигитларимиз ҳарбий қисмларда ҳалок бўлишяпти, уларга жисмоний ва маънавий жароҳат етказилаётир. Бу, жойларда интизомнинг жуда бўшашиб кетганлигидан далолатдир. Шунинг учун ҳам кўпчилик оналар хизмат жойларидаги фарзандларидан ташвишли хат-хабарлар олишяпти. Бироқ маҳаллий ҳарбий комиссариатлардаги айрим тўралар ишга юзаки ёндошиб, хатни текшириш учун жўнатиб қўяқолишяпти. Бу билан кутилган самарани таъминлаш қийин.

Менинг фикримча, агар армиядаги ўғилларимиздан уларга нотўғри муносабат ҳақида сигналлар келгудек бўлса севимли рўзномамиз ходимлари ҳарбий комиссариатлар вакиллари билан жойларга чиқиб, ҳақиқий аҳволни кўриб текширишларини истардим. Ана шунда кўп нарсалар ойдинлашиб, ёшларимизнинг ўз хизмат вазифаларини талофатсиз ўтказишларига ёрдам берган бўламиз.

«Очиқ хатлар куни» сўнггида газета ходимларидан аҳолини ичимлик сув, қурилиш материаллари таъминоти, областда, айниқса, Навоий шаҳри атрофида экологик вазиятни соғломлаштириш, Армия сафларида хизмат қилаётган йигитлар ариза ва шикоятларига одилона муносабатда бўлиш каби жумҳурият миқёсида ҳал этиладиган муаммоларни тез-тез кўтариб, уларнинг ечимига ёрдам беришни сўралди.

Газета ана шу масалалар бўйича қилинаётган ишларни ўз назоратига олади, ва улар ҳақида мунтазам материаллар бериб боради.

**К. РИХСИЕВ,**
**Н. НАИМОВ,**
**С. ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.**



● Икки мусобақадош дугонанинг исмлари Гули. Улар пойтахтимиздаги «Малика» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-филиалида меҳнат қилишади. Тайёрлаётган маҳсулотлари ўз сифати билан ажралиб туради.

Гули Толипова (чапда) ва Гули Жалиева дастгоҳ қисмларини иш бошлашдан олдин кўздан кечиришяпти.

**Т. КАРИМОВ** олган сурат.

## ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ — ҲАММАГА

● Илғор хўжаликларнинг чорвачилик маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва уни кўпайтириш тажрибаси эндиликда Андижон вилояти колхоз ва совхозлари бош зоотехникларининг мулки бўлиб қолди.

Бу тажрибани ўрганишда уларга шу йил апрель ойида вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси ҳузурида очилган деҳқончилик-саноат комплекси раҳбар ходимлари малакасини ошириш жумҳурият олий мактабининг вилоят бўлими жамоаси ёрдам берди.

Бир қанча хўжаликлар чорвадорларининг суст ишлаши туфайли биринчи ярим йилликда давлат андижонликлардан 600 тоннадан кўпроқ гўшт, деярли 1440 тонна сут ва 460 минг дона тухум кам олди.

Ана шу ташвишли рақамлар филиал мутахассисларини «Савай» совхоз-техникуми негизида шу хўжаликлар бош мутахассислари учун икки ҳафталик курслар ташкил этишга мажбур қилди.

Аксарият машғулотлар энг яхши чорвачилик комплексларида, бўрдоқичилик базаларида, ижарачи жамоалар далаларида ўтказилди. Кўпчилик тингловчиларнинг фикрича, машғулотлар уларга чорвадорлар ишини яхшилаш учун бой материал берди.

## ЕМ-ХАШАК УЙГА КЕЛТИРИБ БЕРИЛАДИ

● Гулистондан унча узоқ бўлмаган «Баҳор» совхозининг ходимлари гулистонликларнинг тўғридан-тўғри уйларига ем-хашак етказиб беришмоқда. Гап шундаки, вилоят марказининг кўпгина аҳолиси ўз ҳовлиларида чорва моллари боқишмоқда.

— Албатта, биз муаммони тўла ҳал этолмаймиз, — дейди совхоз директори П. Йўлдошев. — Лекин шунинг ўзи ҳам, менимча, катта ёрдам бўлади. Яқин кунларда эса биз бу ерда ортиқча етиштирилган ем-хашак сотиладиган дўкон очамиз.

(ЎзТАГ).

## ФИНЛЯНДИЯ МУТАХАССИСЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Ҳунар-техника таълими ходимларининг Финляндиядан келган делегация аъзолари билан учрашувида ёш ишчиларга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Фин мутахассислари ташрифидан кузатилган мақсад Ўзбекистонда ҳунар-техника мактабининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари билан танишишдан, малакали ишчи кадрлар тайёрлаш тажрибасини ўртоқлашишдан иборат. Учрашувда ҳунар-техника таълими системаси ўқув юртларининг ишини такомиллаштириш муаммолари, ижтимоий шароитларни яхшилаш ҳамда ҳунар-техника билим юртлари муаллимлари ҳамда ўқувчиларининг дам олишини уюштириш йўллари муҳокама қилинди.

Фин мутахассислари Тошкентдаги 11-ўрта ҳунар-техника билим юртида бўлдилар, Самарқандга сафар қилдилар.

(ЎзТАГ).

# АЙНИЙ МЕРОСИ

Бухоро педагогика институтида «Садриддин Айний ва Бухоро инқилоби» мавзусида илмий сессия бўлди. Уни Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Тожикистон ССР Фанлар академияси ташкил этди.

Олимлар С. Айний 1901—1917 йилларда яшаган уй-музейда ўрнатилган ёдгорлик лавҳаси очилишига бағишланган тантаналарда қатнашдилар.

Тожикистонлик меҳмонлар Бухоро педагогика институти кутубхонасига Айнийнинг тўла асарлар тўпламини совға қилишди.

(ЎзТАГ мухбири).
Бухоро вилояти.

# ДЎСТЛИК ЧЕГАРА БИЛМАС

Халқ депутатлари Ленинобод, Ўш ва Фарғона вилоят Советлари уч иттифоқдош жумҳурият чегарадош вилоятларининг яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган шартнома туздилар. Бу ҳужжатда қўшни вилоятлар ўртасидаги хўжалик—иқтисодий, маданий ва савдо-сотиқ ўзаро муносабатларини фаоллаштириш кўзда тутилган.

— Ленинобод, Ўш ва Фарғона вилоятлари уч жумҳурият — Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон чегаралари туташган ерда жойлашган, — дейди Ленинобод вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари Р. Бобокалонов. — Бу минтақа аҳолисининг урф-одатлари, миллий анъаналаригина эмас, шу билан бирга йўллари, суғориш тармоқлари, яйловлари ҳам қадимдан муштаракдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги «миллий хонадонлар»нинг яккаланишга қаратилган тамойили биз учун айниқса нохушдир. Ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома маҳаллий хўжалик ҳисоби шароитларида ўзаро манфаатли муносабатларга асос солишга, миллатлараро можаролар эҳтимолининг олдини олишга қаратилгандир.

Уч вилоят ўртасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги тақиқларнинг бекор қилиниши шартномани амалга ошириш йўлидаги дастлабки қадам бўлди. Бу иш анъанавий мол айирбошлашни тиклайди. Ленинобод вилояти аҳолиси энди ўз томорқа участкаларида етиштирган мева ва сабзавотлари билан Фарғона ва Ўш бозорларида савдо қилиши мумкин. Қўшни колхоз ва совхозларга, матлубот кооперацияларига ҳам шундай ҳуқуқ берилди.

Бир-бирларига делегациялар юбориб туриш ҳам яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда. Яқинда Ленинободга Фарғонадан меҳмонлар келиб, маҳаллий қурувчилар ва гиламдўзлар иш тажрибаси билан қизиқдилар. Қўшма халқ ижоди байрамларини, халқ усталарининг кўргазмаларини ўтказиш режалаштирилмоқда. Ҳар йили август ойининг охирларида Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари дўстлиги кунини нишонлашга қарор қилинди.

**Н. МЕРЕЖНИКОВА.**
**ТАСС мухбири.**
**Душанбе.**

# ЭЛЕКТРОНЧИЛАР АНЖУМАНИ

10 сентябрь куни Самарқандда «Янги туркумга мансуб программавий ва ҳисоблаш системалари» мавзуидаги халқаро конференция очилди.

Уни Самарқанд дорилфунуни «Диалог» Совет—Америка корхонаси ҳамда СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг ҳисоблаш маркази билан бирга уюштирган. Анжуман ишида СССР, АҚШ, Швейцария, Дания, ГФР, Италия Хитой ва бошқа мамлакатларнинг ходимлари қатнашмоқдалар.

Тўрт кун давомида олимлар ҳисоблаш системаларининг архитектураси, уларнинг программавий таъминоти, системаларнинг ақлий воситаларини кучайтириш муаммолари ва бошқа масалаларни муҳокама қиладилар.

Конференция доирасида «Диалог» қўшма корхонасининг мутахассислари билан АҚШ ва Ғарбий Европанинг етакчи фирмалари ишлаб чиққан компьютер техникаси ва программавий таъминот тижорат кўргазмаси ишлайди.

(ЎзТАГ).

